

265 - وَعَنْ أُسَامَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «قُمْتُ عَلَى بَابِ الْجَنَّةِ؛ فَكَانَ عَامَّةً مَنْ دَخَلَهَا الْمَسَاكِينُ، وَأَصْحَابُ الْجَدِّ مَحْبُوْسُونَ، عَิْرُ أَنَّ أَصْحَابَ النَّارِ قَدْ أُمِرَ بِهِمْ إِلَى النَّارِ، وَقُمْتُ عَلَى بَابِ النَّارِ؛ فَإِذَا عَامَّةً مَنْ دَخَلَهَا النِّسَاءُ». مُتَّقِّنٌ عَلَيْهِ. [خ 5196، م 2736]

و«الجُدُّ» يفتح الجِنَّةُ: الحَظُّ وَالْغَنَى، وَقَوْلُهُ: «مَحْبُوْسُونَ» أَيْ: لَمْ يُؤْذَنْ لَهُمْ بَعْدُ فِي دُخُولِ الْجَنَّةِ.

265. Усома розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам шундай дедилар: «Жаннатнинг эшиги олдида турдим. Унга киргандарнинг асосий қисми мискинлар экан. Давлатмандлар ушлаб турилибди. Фақат дўзах эгалари дўзах сари амр қилинган. Дўзах эшигига ҳам турдим. Унга киргандарнинг асосий қисми аёллар экан».

Муттафақұн алайҳ.

Шарх: Имом Бухорий Ибн Аббос розияллоху анхудан ривоят қилған ушбу ҳадисда нима учун дўзахга тушадиганларнинг аксари аёллар экани зикр қилинган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида қуёш тутилди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам одамлар билан бирга намоз ўқидилар. Бақара сурасича узоқ қиём қилдилар. Кейин узоқ рукуъ қилдилар.

*Кейин рукуъдан туриб, узок қиём қилдилар. Бу биринчи қиёмдан қисқароқ бўлди. Кейин узок рукуъ қилдилар. Бу биринчи рукуъдан қисқароқ бўлди. Кейин рукуъдан туриб, яна узок қиём қилдилар. Бу биринчи қиёмдан қисқароқ бўлди. Кейин узок рукуъ қилдилар. Бу ҳам биринчи рукуъдан қисқароқ бўлди. Кейин туриб, сажда қилдилар. Сўнгра (намоздан) чиқдилар. Қуёш очилиб бўлган эди. Шунда у зот: «**Қуёш ва ой Аллоҳнинг оятларидан (белгиларидан) иккисидир. Улар на бирорванинг ўлими, на ҳаёти туфайли тутилади. Қачон шуни кўрсангиз, Аллоҳни зикр қилинглар**», дедилар.*

*Одамлар: «Эй Аллоҳнинг Расули, сизни мана шу турган жойингизда бир нарсани ушлаганингизни, сўнгра чўчиб орқага тисарилганингизни кўрдик», дейишди. У зот: «**Шубҳасиз, мен жаннатни кўрдим [ёки менга жаннат кўрсатилди]. Бир шингил (узум) ушладим. Агар уни олганимда, дунё тургунча ундан ер эдингиз. Дўзахни кўрдим. Бугунгидек манзарани асло кўрмаганман. Унинг аҳли аксар аёллар эканини кўрдим**», дедилар. «Нима учун, эй Аллоҳнинг Расули?» дейишди. «**Ношукурликлари учун**», дедилар. «Аллоҳга куфр келтиришадими?» дейишди. «**Эрларига ношукурлик қилишади. Яхшиликка ношукурлик қилишади. Бирортасига умр бўйи яхшилик қилсанг-у, кейин сендан бирор (ёмон) нарса кўрса, «Сендан ҳеч яхшилик кўрганим йўқ», дейди**», дедилар».*

Манба: hadis.islom.uz

